

Туркия Грузиядаги қадимий масжидни қайта тиклади



13:30 / 06.08.2021 3273

Грузия Кахети ўлкасининг Панкиси дараси, Ахмета шаҳри яқинидаги қишлоқда жойлашган «Дуиси» масжиди, Турк ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг (ТІКА) саъй-ҳаракати билан 1901 йилдан бери илк марта қайта тикланди. Бу ҳақда ІНА хабар берди. Энди ушбу масжид ибодат қилиш учун очиқ.

Масжиднинг очилиш маросимида Кахети губернатори Иракли Шиошвили, Туркиянинг Грузиядаги элчиси Фатма Черен Язган ва унинг маслаҳатчиси Ахмат Эрдем, ТІКАнинг Тбилисидаги координатори Нежла Демирдаг ва маҳаллий аҳоли иштирок этишди.

«Дуиси» масжидида биринчи намоз Грузия мусулмонлари идораси муфтийси Этибар Эминов бошчилигида ўқилди. Паришонерлар турк халқининг фаровонлиги ва қўшни қардош мамлакатда ҳанузгача давом этаётган ўрмон ёнғинларининг эрта тугаши учун ибодат қилишди.

Губернатор Шиошвили маҳаллий аҳолини масжиднинг қайта тикланиши билан табриклади ва Туркияга миннатдорчилик билдирди, шунингдек, ўрмон ёнғинлари оқибатида қурбонлар ва вайронагарчиликлар учун Анқарага чуқур таъзия билдирди.

Хуршид Маъруф